

Термиз туманида “Обод хонадон - обод кўча - обод маҳалла” мезонларини жорий этиш бўйича амалга оширилаётган ишлар



Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳудудлардан танлаб олинган маҳаллаларда “Обод хонадон - обод кўча - обод маҳалла” мезонларини жорий этиш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Жумладан, Термиз туманининг 1-сектор ҳудудидаги «Қўнғирот» ва «Мустақиллик» маҳаллаларида мазкур мезон асосида 1,8 км ички йўللарни тошлаш ишлари режалаштирилган бўлиб, ҳозирда 1,0 км масофа қисмида тошлаш ишлари олиб борилмоқда.

Бундан ташқари ушбу маҳаллаларда ариқ-зовурларни тозалаш, мевали ва манзарали дарахт кўчатларини экиш ишлари ҳам олиб борилмоқда.